Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 78 (6968). | 25 апрель, 1979 йил | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ГЎШТ, СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ДАЛАЛАРДА, яйловларда, фермаларда иш қизиб кетди. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам баракали меҳнат қилиш, ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраларни эгаллашга аҳд қилган пахтакорлар, сабзавоткорлар, лубкорлар, ғаллакорлар, боғбонлар баҳорнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш учун курашмоқдалар.

Бу йил чорвадорларимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. «Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! — дейилади КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 1-Май Чақириқларида, — жамоат чорвачилигини ривожлантирингиз, унинг ем-хашак базасини ҳар томонлама мустаҳкамланг. Чорва туёғини кўпайтиринг, унинг маҳсулдорлигини оширинг, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиринг». Областимиз чорвадорлари партиямиз жанговар даъватига жавобан беш йилликнинг тўртинчи йилида 43 минг тонна гўшт, 155 минг тонна сут, 293 миллион дона тухум, 1130 тонна жун етиштириш учун курашни авж олдириб юборишди. КПСС Марказий комитети июль Пленуми қарорларини дилларига жо қилиб олган чорвадорларимиз бу юксак ва масъулиятли вазифани бажариш йўлида дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Кўпгина хўжаликларда гўшт сотиш, сут топшириш квартал планлари ошириб бажарилди. Қўзилатиш мавсуми ҳам муваффақиятли якунланяпти. Калинин районидаги қўйчиликка ихтисослаштирилган Охунбобоев номли, Чиноз районидаги Жамбул номли совхозларнинг чорвадорлари областда биринчилар қатори қўзилатиш планларини бажардилар. Мазкур хўжаликлар шу кунларда ҳар юз бош совлиқдан 110—115 тадан қўзи олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Фермаларда ишни намунали ташкил этган, соғини сигирлар боқуви яхши йўлга қўйилган хўжаликларда маҳсулдорлик ортиб бормоқда.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Коммунистик районидаги «Политотдел», Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари ҳар йилгидек бу йил ҳам соғин сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олишда пешқадамлик қилмоқдалар. Областимиз бир группа илғор чорвадорлари чўпонлар, сут соғувчилар, паррандабоқарлар бошлаган ва область партия комитети томонидан маъқулланган ташаббус кенг қулоч ёймоқда. Беш минг—олти минг килограммчи сут соғувчилар сафи кўпайиб бораётир.

Илғор зооветеринария фани ютуқлари, тажрибаларни жорий этиш туфайли гўшт етиштиришда ҳам салмоқли ютуқларга эришилаётир. Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозида, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базасида бўрдоқига қўйилган моллар жадал семиртирилмоқда.

Маълумки, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан ва асосан молларнинг наслига, соғлом бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бузоқлар ёшлигидан яхши парвариш қилиниб, тўйдириб боқилиши керак. Бузоқчиликка ихтисослаштирилган махсус хўжаликлар бу соҳада катта тажриба тўпланганлар. Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз ўтган йили хўжаликларга 600 бошдан ортиқ—ҳар бирининг тирик вазни 380—410 килограмм келадиган юқори класс ғунажинлар етказиб берди. Бу йил колхоз чорвадорлари кам деганда 800 бош ғунажин ўстириш учун курашмоқдалар. Ғалаба районидаги Энгельс номли, Оҳангарон районидаги Олмалиқ, Калинин районидаги «Хасково» совхозларида ҳам бузоқларни боқиш ва парвариш қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда матлубот жамиятлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатилган. Район партия, совет ташкилотларининг бевосита раҳбарлигида иш олиб бораётган кўпгина матлубот жамиятлари қисқа вақт ичида бу соҳада ибратли тадбирларни жорий этдилар. Уларда янги-янги бўрдоқичилик комплекслари, паррандахоналар, чўчқахоналар қуриб, ишга туширилмоқда. Аҳолидан ҳарид қилиб олинган чорва моллари бўрдоқига боқилиб, қўплаб гўшт тайёрланиб, савдо шохобчаларига, умумий овқатланиш корхоналарига етказиб берилаётир.

Лекин ҳамма ерда ҳам чорвачиликни ривожлантириш юксак даражада ташкил этилган, деб айта олмаймиз. Область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида чорвачиликни кескин юксалтириш масаласига бағишланган пленуми ва бу пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар, йўл-йўриқлар айрим колхоз ва совхозларда суст амалга оширилмоқда. Биринчи квартал якунлари шуни кўрсатадики, баъзи бир колхоз ва совхозларда сут етиштириш ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан камайиб кетди. Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози область хўжаликлари орасида 16-ўриндан 68-ўринга, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози эса 78-ўриндан 132-ўринга тушиб қолди. Бу мисоллар мазкур хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳали ҳам чорвачиликка ўгай кўз билан қараётганликларини кўрсатади.

Чорвачиликни кескин юксалтириш — гўшт, сут, тухум етиштиришни ой сайин, йил сайин кўпайтириб бориш—бу доимий ва кундалик иш бўлмоғи зарур. Эндиликда у ёки бу хўжаликнинг фаолиятига уларнинг пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик соҳасида эришаётган ютуқларигина қараб эмас, айни пайтда чорвачиликка қандай эътибор бераётганликларига қараб баҳо берилади. Бу тартиб, бу қоида асосий мезон бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам чорвачиликдаги илғор тажрибалар, янгиликларни тезда илғаб олиш, оммалаштириш, жорий этиш керак. Ҳар бир соғин сигирдан 5000—6000 килограммдан сут соғиб олиш учун курашаётган, ҳар юз бош совлиқдан 110—120 тадан қўзи олаётган, моллар наслини яхшилаб, туёқ сонини кўпайтириб бораётган илғорларнинг иш усулларини кенг оммалаштириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни тўғри ташкил этиш, ана шу асосда пешқадамлар сафини кўпайтириб бориш лозим.

Бу йил баҳор серёғин келди. Қир ва адирларда табиий пичан, шунингдек бугдой, арпа ҳосили мўл бўлмоқда. Маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинларни экиш ва парвариш қилиш ишлари ҳам анча дуруст бораётир. Ҳамма ерда ишни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда 1979—1980 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида ташкил этиш зарур.

Чорвачилик соҳасида белгиланган тадбирларни бажариш аввало моллар бош сонини, биринчи навбатда урғочи молларни кўпайтириб олишни талаб этади. Бу — хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, матлуботчи чорвадорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар фермаларда, яйловларда, ёрдамчи хўжаликларда, чорвачилик комплексларида боқилаётган молларга қандай муносабатда бўлинаётганлиги, улардан насл олиш қандай йўлга қўйилганлигини доимо назорат қилиб боришлари лозим.

Чорвачилик — зарбдор фронт. Бу фронтда ҳар иш маромида, ўз вақтида бекаму-кўст ва сифатли бажарилсагина, кутилган натижага эришиш мумкин. Колхоз ва совхозларда бу муҳим тармоққа партиявий раҳбарликни кучайтириш, ферма ходимлари, мутахассисларнинг диққат эътиборини олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети Май олди Чақириқларидан руҳланган областимиз чорвадорлари бу соҳадаги вазифани муваффақият билан уддалайдилар.

КОММУНИСТЛАР! КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН, ИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИНИНГ ПЕШҚАДАМЛАРИ БЎЛИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

ОЛМАЛИҚДАГИ рух заводи коллективи давлат планларини бажаришда ҳар йили юксак кўрсаткичларга эришмоқда, топшириқдагига қўшимча қўплаб маҳсулот тайёрламоқда. Корхона ишчи-ҳизматчилари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам катта-катта зафарлар қучиш йўлида фидокорона меҳнат қилишяпти. Социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракатида фаол иштирок этаётган айрим қоллективлар завод ишчи-хизматчилари қўлга киритаётган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Бригада аъзолари ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари давомида ҳар қачонгидан ҳам баракали ишлашди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан коллективга мукофотлар топширилди.

Коллектив маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган йили улар ишлаб чиқарган рух қуймаларининг 70 процентга давлат Сифат белгиси билан буюртмачиларга етказиб берилди.

Коммунист О. Тошмуҳамедов бошлиқ бригада бу йил ҳам зарбдор меҳнат қилаяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида қўшимча ўнлаб тонна рух қуймалари ишлаб чиқилди. Улар йил давомида камида қўплаб тонна рух қуймалари тайёрлаш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Бунга аввало бригадир, шунингдек, тажрибали ишчилардан М. Носиров, П. Самсонов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшишяпти. Уларнинг шахсий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари нормадагидан 20—30 процент ортиқ бўлаяпти.

С. ЖЎРАЕВ.


100 ҚЎЙДАН 150 ҚЎЗИ

ТАЖРИБАЛИ бош чўпон Оқбой Назирқулов «Ленинград» колхозида эрта қўзилатиш устаси ҳисобланади. Унинг отаридаги мавжуд 420 та совлиқ эртаки қўзилатишга мослашган. Оқбой ўз отарида қишловни муваффақиятли, агротехника талабларни асосида ўтказди. У ҳар юз бош совлиқдан пландаги юзта ўрнига 150 тадан қўзи олишга эришди.

Унинг мусобақадоши Жўра Саъдиев бошчилик қилаётган отарда ҳам эрта қўзилатиш юқори кўрсаткичлар билан якунланди. Ҳар юз бош қўйдан 143 тадан соғлом қўзи олинди.

А. БАБАНОВ,
Бўстонлиқ райони.





Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози пахтакорлари бу йил чигит экиш мавсумини яхши тайёргарлик кўрган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказдилар. Айниқса, Ҳолмат Норов бошлиқ бригада аъзолари намуна кўрсатишди. Механизатор Раҳмат Абдубоситов ва сеялкачи Жонмирза Облоберганов 64 гектар майдонга қисқа муддатда барака уруғи қададилар. Бригада ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилган. Суратда: механизатор Р. Абдубоситов; (ўнгда) чигит экиш пайти.
А. Абалян фотолари.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналари коллективлари маҳсулотни реализация қилиш юзасидан март ойи планини 102 процент бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар бажарилди.

Қишда об-ҳаво шароити ноқулай бўлганлиги туфайли январь ва февраль ойларининг планлари қисман бажарилмай қолди. Биринчи кварталда маҳсулотни реализация қилиш плани умуман 99,7 процент адо этилди.

Биринчи кварталда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процентни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришнинг ўртача кундалик ўсиши 3,8 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 2 процент ошди.

Маҳсулотнинг энг муҳим турлари қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилди. Электр энергия 332 миллиард киловатт-соат, газ 102 миллиард кубометр, кўмир 187 миллион тонна, приборлар, автоматлаштириш воситалари ва улар учун запас қисмлар — 1.175 миллион сўмлик; ҳисоблаш техникаси воситалари ва улар учун запас қисмлар — 875 миллион сўмлик; нефть аппаратлари 48,6 минг тонна; химия асбоб-ускуналари ва улар учун запас қисмлар 185 миллион сўмлик; енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ҳамда уларнинг запас қисмлари — 320 миллион сўмлик; тракторлар 139 минг дона; дон комбайнлари 29,3 минг дона; пахта териш машиналари 2,4 минг дона; экскаваторлар 10,5 минг дона.

5,6 миллиард сўмлик тикувчилик буюмлари, 729 минг тонна ўсимлик мойи, давлат ресурслари хом ашёсидан 1020 минг тонна кондитер маҳсулоти, 15,8 минг дона соат.

222 миллион сўмлик сортли идиш (шиша ва биллурдан), 1,8 миллион дона телевизор, 938 минг дона кир ювиш машинаси тайёрлаб чиқарилди.

Газ қазиб чиқариш, машина ва асбоб-ускуналарнинг прибор, автоматлаштириш воситалари ва ҳисоблаш техникаси, тикувчилик буюмлари, маданий-маиший ва уй-рўзғор молларининг кўпгина турларини ва бошқа маҳсулотларнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш юзасидан квартал плани оширилди.

Олий сифатли категориядаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 24 процент ошди. Шу йил 1 апрелда давлат Сифат белгисига эга бўлган буюмлар сони 65 минтага етди.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бир қанча тармоқларнинг корхоналари маҳсулотни белгиланган ассортиментда ва тегишли сифатда чиқариш ва етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқларни тўла бажармадилар.

Нефть қазиб чиқариш, қора металларнинг тайёр прокатини, минерал ўғит, иморатбоп ёғоч, цемент, газлама, чарм пойафзал, гўшт, балиқ маҳсулоти, сарёғ ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди.

Саноат ходимлари социалистик мусобақа давомида мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, саноат ишлаб чиқаришни сўртаятириш, ишининг самарадорлигини ва сифатини яхшилаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Ҳ. А. РАҲМАТУЛИНГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Назарий ва татбиқий механикани ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети кафедрасининг мудири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Халил Аҳмедович **Раҳматулинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, унга **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил, 23 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ


ЁЗУВЧИ ҲАМИД ҒУЛОМ (Ҳ. У. ҒУЛОМОВ)НИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Ҳамид **Ғулом** (Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов) **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил, 24 апрель.



ТОШКЕНТ тракторлар заводининг коллективи қишлоқ меҳнаткашларига қўплаб қудратли техника етказиб бермоқда. Айни кунларда корхонада МТЗ-80Х ва Т28х4М маркали пахтачиликка мослашган серунум тракторлар ишлаб чиқарилянти. Суратда: тайёр машиналарни жўнатиш пайти. Х. Мирзакаримов фотоси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида тузилган СССР Министрлар Советининг мажлиси 23 апрелда бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин мажлисни очиб, СССР ҳукумати аъзоларини СССР Олий Совети томонидан тасдиқланганликлари муносабати билан табриклади ва СССР Министрлар Совети ўзининг бутун фаолияти билан партия ҳамда халқнинг юксак ишончини оқлашига аминман, деди.

Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг ва СССР давлат бюджетининг 1979 йил 1 кварталида бажарилиш якунлари қараб чиқилди.

КПСС XXV съездининг ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини бажариш юзасидан амалга оширилган тадбирлар, шунингдек 1979 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақанинг кенг авж олганлиги, натижасида мамлакат экономикасини ривожлантиришда ҳамда халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришда янги-янги муваффақиятларга эришилди.

1979 йил 1 кварталида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1978 йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процент ошди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари уруғлик ва техникани кўкламги экишга тайёрлаш ишларини асосан тамомладилар, чорва моллари қишловини уюшқоқлик билан якунламоқдалар. Колхозларда, совхозларда хўжаликлараро корхоналарда чорва моллари барча турлари туёғи ва парандаларнинг сони кўпайди.

Халқ фаровонлигини юксалтириш программаси амалга оширилмоқда. 1979 йил 1 кварталида аҳоли жон бошига реал даромад кўпайди, ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,3 процент, чакана товар оборати 4,3 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 7,7 процент ошди. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан жами сахни 7 миллион квадрат метрдан иборат уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Шунингдек кўпгина мактаблар, касалхоналар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди.

Шу билан бирга мажлисда 1979 йил 1 квартал планини бажаришдаги камчиликлар ҳам қайд қилинди. СССРнинг айрим министрликлари ва иттифоқдош республикалар Министрлар Совети корхоналар ва ташкилотларнинг қиш шароитида ишлашга шай бўлишини таъминламадилар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши маҳсулотни белгиланган турларда ишлаб чиқариш юзасидан, капитал қурилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш ва ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини, фойдани кўпайтириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларни тўла бажармадилар. Темир йўл транспорти ишида жиддий нуқсонлар бор.

СССР Министрлар Совети СССР министрликларига, идораларнинг раҳбарларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советига КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил апрель Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда ҳамда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқларидаги қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, мавқуд камчиликларни бартараф этиш, давлат интизомини мустаҳкамлаш, 1979 йилги планни тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини юклади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳамма чоралар билан кўпайтириш, молларнинг турини кўпайтириш ва яхшилаш ҳамда уларнинг сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига, СССР қишлоқ хўжалиги техника таъминоти Давлат комитетига ва тегишли министрликларига қишлоқ хўжалиги учун белгиланган техникани, минерал ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ва бошқа модий-техника ресурсларини ўз вақтида етказиб бериш учун қўшимча чоралар кўриш, кўкламги дала ишларининг муваффақиятли ўтказилишини, баҳор кечикган шароитда экиш планининг бажарилишини ва экинларни яхшилаб парвариш қилишни ва шу йўл билан барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан белгиланган план ва топшириқларни тўла ва ошириб бажариш учун зарур чораларни амалга ошириш таклиф қилинди.

Мажлиснинг охирида ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети мажлиси ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих қатнашди.

(ТАСС).

«САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-32»: ЕРНИНГ СУРАТИ ОЛИНМОҚДА

УЧИШИНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 апрель. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин «Салют-6» —«Союз-32» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг ичида саккиз ҳафтадан бери ишламоқдалар.

Бугунги кунининг кўп қисми геофизик экспериментлар га бағишланди.

Экипаж ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ ер юзи ва жаҳон океани акваториясининг айрим районларини визуал кузатмоқда ва фотосуратга олмоқда. Суратлар кўп зонали МКФ-6М космик фотоаппарат ҳамда КАТЭ-140 фотоаппарати билан олинмоқда.

Кечаги кун мобайнида «Кристалл» установкасида космик материалшуносликка доир навбатдаги технологик эксперимент бажарилди.

«Салют-6»—«Союз-32» орбитал комплекси ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Ер атрофи орбитасидаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

ДОҲИЙ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

БУНДАН 50 йил муқаддам, 1929 йилнинг 23—29 апрель кунлари ВКП(б) XVI конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур конференцияда жаҳонда биринчи социалистик мамлакатнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокама қилинди. Улар орасида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўллари каби масалалар бор эди. Шунингдек, бюрократизм билан курашнинг якунлари ҳамда энг яқин вазифалари, ВКП (б) аъзолигига кандидатлар ҳамда аъзолар ўртасида чистка ҳамда текшириш ўтказиш масалалари ҳам қараб чиқилди.

Конференциянинг ҳал қилувчи овозга эга бўлган 254, маслаҳат овозига эга бўлган 679 делегатининг асосий диққат-эътибори халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планини муҳокама этиш ва қабул қилишга қаратилган эди. Мазкур план мамлакатимиз тарихида биринчи халқ хўжалик комплекс плани бўлиб, унда мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг суръатлари ва пропорциялари илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Маълумки, В. И. Ленин ҳаётлигидаёқ социализмнинг буюк самараси бўлмиш план системасининг асосларини белгилаб берган эди. Унинг раҳбарлигида жаҳон практикасида биринчи марта перспектив халқ хўжалик плани — ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилган эди.

Беш йиллик план мамлакатни индустриаллаштиришнинг юксак суръатлари негизида социалистик экономиканинг мустаҳкам заминини яратиш, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан қуроллантириш, шаҳар ва қишлоқда капиталистик элементларни сиқиб чиқаришни таъминлаб берган улуғвор план, социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужумкорлигини белгилаган ёрқин программа бўлди.

Доҳий кўрсатмалари асосида, пухта илмий негизда ишлаб чиқилган биринчи беш йиллик планнинг энг мақбул вариантини конференция делегатлари бир овоздан маъқулладилар.

Мазкур планда беш йилликка сарфланадиган капитал маблағлар 64,6 миллиард сўм қилиб белгиланди. Бу аввалги беш йиликдагига нисбатан 26,5 миллиард сўм кўп эди. Саноат учун сарфланадиган жамъи капитал маблағларнинг 75 процентдан кўпроғини оғир саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратиш кўзда тутилди, булар, аввало, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш соҳаларига ҳаражатнинг позимлиги белгилаб берилди.

Биринчи беш йиллик планнинг муҳим аҳамияти яна шундан иборатки, унда камбағал ва ўрта деҳқон хўжаликларини кооперациялаш, коллективлаштириш ҳамда давлат хўжаликлари қуриш негизида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш вазифаси қўйилди. Бунинг учун деҳқон хонадонларини (85 процентигача) кооперацияга жалб қилиш, 5—6 миллион деҳқон хўжалигини, яъни жамъи хўжаликларнинг бешдан бир қисмини колхозга қабул қилиш, товар дон маҳсулоти ишлаб чиқаришда колхозлар ва совхозлар ҳиссасини беш йиллик охирига бориб 43 процентгача кўпайтиришни таъминлаш мақсад қилиб қўйилди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдан иборат йўлни янада конкретлаштириб, партия ўз конференциясида қишлоқ билан шаҳар ҳамкорлигининг янги ишлаб чиқариш формаларини вужудга келтириш масаласига алоҳида аҳамият берди. Шу муносабат билан қишлоқни социалистик асосда қайта қуриш, колхозларни мустаҳкамлаш ҳамда колхоз тузумининг ғалабасини таъминлаш даврида ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашнинг энг мақбул воситаси — машина-трактор станцияларини ташкил қилиш зарур деб топилди.

Партия XVI конференцияси биринчи бешйиллик планини қизғин мақуллаб қабул қилар экан, доҳий В. И. Ленинниинг «Узоқ даврга ва жиддий ютуққа мўлжалланган план тузиб олмай туриб, ишлаш мумкин эмас» деган кўрсатмасига тўла асосланди. Доҳийнинг мамлакат миқёсида перспектив янгича хўжалик плани бўлиши зарурлиги ҳақидаги буюк кўрсатмаси совет бош йиллик планини тузишнинг асосий ғояси бўлиб хизмат қилди. Мазкур планларнинг ҳаммаси беш йиллик босқичлари орқали социализм ва коммунизмга боришдан иборат улуғвор мақсадни амалга оширишда ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Партия XV съезди директиваларига мувофиқ тузилган, партия XVI конференцияси маъқуллаган биринчи беш йиллик план энг асосий хўжалик — сиёсий ҳужжат, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма бўғинлари учун қонун бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисидаги қарорида айтилганидек, «Биринчи беш йиллик планининг буюк тарихий аҳамияти яна шундан иборатки, у экономикани планлаштиришнинг асосий формаси асосида беш йиллик топшириқларини қўлланишга асос қўйди, буларни коммунистик бунёдкорликнинг ташкил этувчи ва сафарбар этувчи катта кучига айлантирди, хўжалик юритишнинг социалистик методлари капиталистик хўжалик юритиш методларига нисбатан афзал эканлигини амалда исбот этди».

Партия XVI конференциясида мамлакатда оммавий социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида Совет Иттифоқининг барча ишчилари ва меҳнаткаш деҳқонларига Мурожаат қабул қилганлиги ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу асосда кундан-кун авж олиб борган социалистик мусобақа эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлган социалистик жамият кишиларининг мисли кўрилмаган қаҳрамонликларини юзага келтирди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам партия конференциясининг қарорлари қизғин маъқулланди. Биринчи беш йиллик план бўйича республикада 57, Тошкентда 20 дан ортиқ йирик саноат корхоналари, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, ремонт-механика заводи, тўқимачилик комбинати кабиларни бунёд этишда социалистик мусобақанинг роли жуда катта бўлди.

Республика Компартияси Марказий Комитети 1929 йил 31 майида барча ишчиларга, коммунистларга, комсомолларга Мурожаат қилиб, социалистик мусобақа қисқа муддатли кампания эмас, балки социалистик қурилишнинг асосий методи эканлигини таъкидлади, меҳнаткашларни мусобақага актив қўшилишга даъват қилди. Ана шунга жавобан тобора янги ва янги ишчи коллективлари бир-бирлари билан мусобақа шартномалари тузиб, фидокорона меҳнатни авж олдиришди. Биргина «Ташсельмаш» заводи қурилишида апрель ойининг ўзида 1200 киши социалистик мусобақада иштирок этди. Орадан икки йил ўтмаёк, «Сельмашстрой» коллективи партия ва ҳукуматга қурилишнинг асосий объектларида иш тугалланганлиги ҳақида рапорт берди.

Республикада партия XVI конференциясининг қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишлари авж олдирилди. 1930 йил охирига бориб республикада 1530 янги колхоз тузилди, уларга 47500 га яқин деҳқон хўжалиги аъзо бўлиб кирган эди. Биринчи беш йиллик охирига бориб, Ўзбекистонда коллективлаштириш асосан тугалланди.

1933 йил бошларига келиб, муддатидан аввал адо этилган биринчи беш йиллик план Ўзбекистонни аграр-саноат республикасига айлантирди. Бу ерда саноат ўсишининг суръатлари бутун Совет Иттифоқидагига нисбатан ҳам юқори бўлди. Шу йиллари аҳолининг моддий фаровонлиги ҳам ўсиб борди. Ишсизлик тугатилди, етти соатлик иш куни жорий этилди, ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 40 процент ошди.

Буларнинг ҳаммаси жаҳонда биринчи социалистик жамиятнинг буюк афзалликларидан ёрқин далолат берарди. Биринчи беш йиллик план барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти даражасини тенглаштиришга, хўжалик, халқ маорифи ва маданият соҳасида янада юксалиб, равнақ топишига олиб келди.


Ўртоқ Л. И. Брежневнинг образли таъбирича, бизнинг беш йилликларимиз халқларнинг иқтисодий тилга кўчирилган ленинча дўстлигидир.

И. СУЛТОНОВ.

ВКП(б) XVI КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

АКАДЕМИК СОБИР ЮНУСОВ 70 ЁШДА

ФАНИМИЗ ФАХРИ



ОЛИМ шошиб конвертни очди-да, бир неча жумладан иборат қисқа хатга кўз югиртирди. «Сиз, атоқли ўзбек кимёгар олими Собир Юнусовни Германия Демократик Республикасидаги немис тиббиёт тадқиқотчилари академиясига аъзо бўлиб сайланганингиз билан табриклайман» деган сатрларни кайта ўқир экан, қандайдир ички бир куч унинг қалбида севинч тўлқинларини мавж урдириб юборди. Шу аснода у тотли бир туйғудан энтикар, ҳаяжонини яширa олмасди.

Профессор С. Юнусов бу академиянинг дунёдаги энг нуфузли ва донги кетган йирик илм-фан штаби эканлигини яхши биларди. У тиббиёт фанининг турли соҳаларини юксалтиришда кўп иш қилган, муҳим чигал муаммоларни узил-кесил ҳал этган. Жаҳонга танилган Чарлз Дарвин, Цельсий, Гумбольдт сингари машҳур олимлар академиянинг аъзоси бўлишганди. Эндиликда ўзбек олими ҳам унинг фахрли аъзоси!

Шу муносабат билан академия президенти профессор К. Мотес Собир ака номига табрик хатини йўллабди. Одатда, шундай ҳаяжонли дамларда кишини ширин ҳаёл ўз оғушига олади. С. Юнусов ҳам илмий фаолиятининг ўша дастлабки йилларини ва улар билан боғлиқ воқеаларни бир зум кўз олдига келтирди. Ўрта Осиё Давлат университетининг химия факультетига ўқишга кирганини, диплом ишини бажариш учун Москвадаги Ф. Э. Дзержинский номли Бутуниттифоқ химия-фармацевтика илмий-текшириш институтига борганини, атоқли совет олими А .П. Орехов уни ўз лабораториясига ишга олганини, бу ерда аспирантурада ўқиб, серқуёш республикамизнинг ёввойи ўсимликлари устида диссертация ёзиб, бу тадқиқотини севимли устози А. П. Орехов хотирасига бағишлаганини бирма-бир эслади.

ЁШ ОЛИМ Улуғ Ватан урушидан қайтгач, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтида алкалоидлар химияси лабораториясини ташкил этди. Бу ҳайрли иш келгусида мўъжизакор фан олами ҳазинасига ажойиб дурдоналар бўлиб қўшилишини у ўшанда ҳаёлига келтирганмикан! Аммо, олим кимё фанининг бу истиқболли соҳасини ривожлантиришга жиддий киришгани рост.

Изланиш самаралари лабораториянинг доврўғини бутун мамлакатга тарқатди. Бу ердан истеъдодли алкалоидшунос тадқиқотчилар етишиб чиқди. Бора-бора, республикамизда алкалоидшунослар мактаби вужудга келди. Бу тадқиқот ўчоғи мамлакатимиздаги йирик марказга айланди. Шунинг учун бўлса керак, унинг номи тилга олиниши ҳамоно кимёгар олимлар «Ўзимизнинг Собир Юнусович бошқарган лаборатория-ку!» деб фахрланиб қўйишади.

Ўсимлик ишқори — алкалоид деганини келиб кўрсангиз: мўъжиза. Академик С. Юнусов бошчилигида 3600 дан ортиқ ўсимлик ўрганилди. Улардан 2 мингга яқини ўзида алкалоид сақлаши аниқланди. Кўплаб ўсимлик ишқорининг кимёвий хоссаси ва тузилиши илмий-амалий жиҳатдан мукаммал ўрганилди.

Медицина практикасида дори-дармон сифатида қўлланилаётган алкалоиднинг галантамин, папаверин, цитизин каби янги манбалари топилди. Юрак, қон-томир, болалар фалажи касалликларини даволашда, марказий асаб системаси ишини яхшилашда фойдаланиладиган препаратлардан бир нечтаси дори сифатида медицина саноатида ишлаб чиқарила бошланди.

Мактаб яратган бу лаборатория Ўсимлик моддалари химияси институтини барпо этиш учун илмий база бўлиб хизмат қилди. Академик С. Юнусов раҳбарлигида мазкур йирик тадқиқот ўчоғида кўп ишлар бажарилди. Алкалоидлар химиясининг янги йўналишлари вужудга келди. Олимнинг тинимсиз самарали изланишлари туфайли ўсимлик ишқорлари бир системага солинди. Синчковлик билан қилинган тадқиқотлар жараёнида «Алкалоидлар справочниги» майдонга келди.

ИНСТИТУТ лабораторияларида амалга оширилган тадқиқотлар эътиборга моликкн, ҳатто чет эллик олимлар ҳам Собир Юнусовнинг илмий жасоратига тан бермай иложлари йўқ. Шу сабабли ҳам у кўпгина халқаро илмий йиғинларга лутфан таклиф қилинди. Венгрия, Швейцария, Франция, Англия, Ҳиндистон каби мамлакатларда чақирилган жаҳон конгрессларида олим докладлар қилди. СССР Фанлар академияси олимлари делегациясига бошчилик қилиб, Корея Халқ Демократик Республикасига бориб келди.

Мўъжизакор фаннинг бобокалони Д. И. Менделеев юбилейи билан боғлиқ катта анжуманларда у актив қатнашди. Табиий бирикмалар химиясига бағишлаб ўтказилган Менделеев съездига ва бу олим даврий системасининг юз йиллиги юбилей съездига таклиф этилди.

Ўсимлик моддалари кимёси институтининг кўп қирали фаолияти чет эллик олимлар эътиборини кўпдан бери ўзига тортиб келади. Бу даргоҳга Америка Қўшма Штатларидан, Австралия, Франция, Швейцария, Япония ва бошқа жойлардан йирик мутахассислар таширифи буюришди. Узбек олимларининг кашфиётларига улар юқори баҳо бердилар.

Зеро, мазкур институтнинг овозаси бутун мамлакатимизда, қолаверса чет элда ҳам кенг ёйилган. Машҳур совет олими академик А. Н. Несмеяновнинг қўйидаги сўзлари ҳам буни яққол исботлайди. «Биз Ватанимиздаги ўсимликлар ҳом ашёсида учровчи алкалоидларни чуқур текширувчилар, жумладан А. П. Орехов мактаби билан фахрлана оламиз,— деб ёзган эди у.— Ҳозирги вақтда алкалоидлар бўйича олиб борилаётган ишларнинг маркази Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институти бўлиб қолди».

ЭЛИНИ элга донгдорлари танитади деганларидек, атоқли олим Собир Юнусов ҳам ўзининг тинимсиз қузатишлари, кашфиётлари, илмий коллективларга моҳирона раҳбарлиги билан ўзбек кимё фани ютуқларини жаҳонга кенг ёйди. Унинг жамоат ишларидаги фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Машҳур фан арбоби сифатида Ленин мукофоти Комитетининг аъзоси бўлди. У Олий Аттестация Комиссия Пленуми ҳамда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Президиумининг аъзоси этиб сайланди. Инглиз тилида чоп этилаётган «Табиий бирикмалар химияси» Бутуниттифоқ журналининг бош муҳаррири сифатида унинг мўъжизакор фан ютуқларини оммалаштиришдаги хизматлари муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Юнусов қатор илмий унвонлар ва мукофотларнинг соҳибидир. Туғилганига 60 йил тўлиши арафасида унга ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Толмас тадқиқотчи, меҳрибон устоз, жонкуяр мураббий 70 ёшга тўлди. Оддий ғишт терувчи бинокорнинг фарзанди бугунги кунда машҳур олим! Уни эл-эрт танийди, ҳурматини ўрнига қўяди. Бу камтарин аллома билан унинг ҳамкасблари, шогирдлари ҳақли равишда фахрланадилар. Олимнинг бахти деб шуни айтадилар-да!

А. АЛИЕВ.

ОММАНИНГ МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Сиёсий адабиёт нашриёти Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалик арафасида тўпламни нашр этди. Бу тўпламга В. И. Ленинниинг «Мусобақани қандай ташкил этиш керак» ва «Буюк почин» деган икки асари киритилган.

В. И. Ленинниинг 1929 йил 10 январида «Правда» газатасида эълон қилинган «Мусобақани қандай ташкил этиш керак» деган мақоласида социалистик мусобақани омма ижодий ташаббуси ва активлигининг ажойиб формаси, меҳнаткашларни хўжалик ва маданий қурилишга жалб этишнинг қудратли воситаси деб характерлайди.

«Буюк почин» асари 1919 йилнинг июлида алоҳида брошюра қилиб нашр этилди. Бу китобчада В. И. Ленин Коммунистик шанбаликларнинг аҳамиятини ҳар томонлама таҳлил қилган, социализм барпо этаётган оммакинг тажрибасини умумлаштирган, аввалги ҳолига келтирмоқдалар. Марказий ва Жанубий Вьетнамнинг шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларидан тоғ йўллари орқали чегарадаги вилоятларга биринчи навбатда зарур бўлган моллар, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик асбоб-анжомлари, уруғлик, бинокорлик материаллари жўнатилиб турибди.

Ханой ишчилар синфининг ташаббуси билан республикада шимолий вилоятларнинг аҳолисига ёрдам бериш ҳаракати авж олиб кетди.

Миллион-миллион вьетнамликлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбаликдан олинган маблағнинг 75 процентини Хитойнинг вахшиёна агрессияси натижасида зарар кўрган қардош Вьетнамга ёрдам бериш фондига топшириш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар эксперименталь биологияси институти лабораторияларида янги нав пахталар яратиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Суратларда: (чапдан) институт ходимларидан З. Шодмонов, С. Асланова ва Д. Дадажоновлар лабораторияда. Аспирант С. Ризаева иш устида.

С. Маҳкамов фотолари.





ПАРТИЯ АХБОРОТИ

● Янгийўл шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида Тошкент область партия комитети II пленумининг қишлоққа кўрсатилаётган оталиқ ёрдамини кучайтириш ва чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорини бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко доклад қилди.

Муҳокамада сўзга чиққан блохимия заводи директори А. П. Шубин, ун заводи ишчиси Е. Р. Диц, ёғ-мой комбинати директори Т. Знёдуллаев ва бошқа ўртоқлар оталиқдаги колхоз-совхозлар ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ишчилар синфи қўшаётган ҳисса тўғрисида гапирдилар. Улар жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирларни бир овоздан маъқулладилар.

● Тошкент район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов КПСС XXV съезди қарорлари асосида совет турмуш тарзини ривожлантириш ва меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш соҳасида партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан кенг мунозара бўлди. Сўзга чиққан Ҳасанбой қишлоқ совети раиси Ш. Қозоқбоев, район хотин-қизлар совети раиси Х. Юсупова, район комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Лутфуллаев ва бошқалар қишлоқ маданиятини ошириш, совет турмуш тарзини қарор топтириш ва атеистик тарбияни кучайтиришда тўпланган тажрибалардан гапирдилар.

● Тошкент область партия комитети Бекобод шаҳар партия ташкилоти секретарларининг семинарини ўтказди. Семинарда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари О. Иброҳимов КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида, область партия комитети бўлим мудири Д. Д. Усачёв КПСС XXV съезди талаблари асосида ташкилий-партиявий ишларни янада такомиллаштириш тадбирлари ҳақида, область партия комитети сиёсий маориф уйи консультанти, тарих фанлари кандидати Л. А. Махлина ҳозирги пайтда олиб борилаётган идеологик ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида доклад қилдилар.

Шундан сўнг секретарлар бир-бир сўзга чиқиб, партиявий ишни перспектив планлаштириш, партия йиғилишларини ўтказиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳаларида тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашдилар.

Секретарлар семинари Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Янгиобод ва Янгийўл шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМНИНГ ҚАТЪИЙ АҲДИ

ХАНОЙ, 23 апрель. (ТАСС). Хитой томони буюк давлатчиликдан иборат экспансиячилик йўлига амал қилиб, Вьетнам-Хитой чегарасида кескинликни ҳамон кучайтирмоқда. Пекин раҳбарлари иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш истагида-миз, деб берган ваъдаларига хилоф суратда Вьетнамнинг шимолий вилоятларида ҳаётни қайта тиклаш ва нормаллаштириш жараёнини барбод этмоқ учун ҳарчанд уринмоқдалар.

Вьетнам информацил агентлиги ВИАнинг маълумотларига кўра, Хитой қўшинлари Вьетнам территориясидаги ўндан кўпроқ пунктни ҳали ҳам оккупация қилиб турибди. Хитой солдатлари чегаранинг бутун чизиги бўйлаб окоплар қазимоқдалар ва узоқ муддатли ҳарбий истеҳкомлар қурмоқдалар. Хитой территориясида ВСР чегаралари томон йўллар қурилмоқда. Пекинининг ҳукмрон доиралари Вьетнам билан чегарадош районларда ярим миллиондан кўпроқ аскар тўплаб қўйди. Тўла таъминланган 12 дивизия Вьетнам чегарасига бевосита яқин жойда турибди.

Вьетнам территориясидаги аҳоли пунктлари Хитой томонидан ҳамон тўпга тутилмоқда, деб давом қилади ВИА.

Хитой томонининг ифворгарликларига қарамай, Вьетнам шимолий вилоятларининг аҳолиси Хитой агрессорлари вайрон қилган халқ хўжалигини қайта тиклашда фидокорона меҳнат қилмоқда.

Куанғнинь шахтёрлари, Каобанг кооператорлари, Лангшон энергетиклари бутун мамлакатдаги ватандошларининг ёрдамига таяниб саноат корхоналарини, электр станцияларини, қишлоқ хўжалик экинзорларини

ЭРОН ҲУКУМАТИНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ

ТЕҲРОН, 23 апрель. (ТАСС). Эрон ташқи ишлар министрлиги шоҳнинг, унинг оила аъзоларининг ва унга ҳамроҳ бўлиб борган кишиларнинг паспорти бекор қилинди, деб АҚШни огоҳлантирди. Шунинг учун ҳам уларга рухсат бериш ёки бошпана беришга Эрон Ислом Республикасига нисбатан нодўстона ҳаракат деб қаралади ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир қилади. «Ояндагон» газетаси шу гапни хабар қилди. Эрон ҳукумати собиқ шоҳга бошпана берган ҳар қандай мамлакат билан ўз муносабатини қайта кўриб чиқади, деб илгари эълон қилган эди.

АҚШ давлат департаментининг вакили яқинда Қўшма Штатлар ҳукумати Америка-Эрон муносабатлари «барқарор» бўлгандан кейин Эроннинг ағдарилган шоҳи доимий истиқомат қилиш учун Америка Қўшма Штатларига келишига қарши эмас, деб билдирган эди. «Принцип жиҳатидан, деди у, шоҳнинг бизнинг мамлакатимизга келишини табриклаймиз».

Ҳозирги вақтда шоҳ ва унинг оиласи Багам оролларини макон қилдилар. Лекин газеталарнинг хабар беришича, маҳаллий маъмурлар унинг келиши билан оқ ташвишга тушиб қолдилар.

ФИНЛЯНДИЯ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШУВЧИЛАРИ ЮБИЛЕЙИ

ХЕЛЬСИНКИ, 23 апрель. (ТАСС). «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилоти фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Финляндия бош министри Калеви Сорса табрик нутқи сўзлаб, ташкилотнинг тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида қилган катта ишига юксак баҳо берди. «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилоти, деди у, тинчлик учун курашда кўпгина жамоатчилик вакилларини бирлаштиради, у мамлакатнинг «Пазсикиви-Кекконен» йўли деб аталган янги ташқи сиёсат йўлининг амалга оширилишига муҳим ҳисса қўшди.

Финляндия тинчлик учун курашувчилари фаолиятида асосий вазифа, деб таъкидлади ўз нутқида «халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати, «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилотининг бош секретари Мирьям Вире-Туоминен, Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДЕҲҚОНЛАРГА ЕР БЎЛИБ БЕРИЛМОҚДА

КОБУЛ, 23 апрель. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасида ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бепул ер тақсимлаб берилмоқда. 19 апрель кунидагина мамлакатнинг ўн бир вилоятида афғон деҳқонларига 20 минг жериб (1 жериб 0.2 гектарга баравар) ер тақсимлаб берилган. Афғонистонда уч ярим ой мобайнида 1 миллион 130 минг жериб ер тақсимлаб берилди.

СЪЕЗД ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

АНҚАРА, 23 апрель. (ТАСС). Туркиядаги катта ишчилар касаба союз конфедерацияси («ТУРКИШ»)нинг навбатдаги биринчи съезди ўз ишини тамомлади. Съезд делегатлари Туркия меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар, бундан буёнги иш программасини белгиладилар ва янги раҳбарларни сайладилар. Конфедерацияда энг йирик бўлган озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзининг раҳбари Денизжиэр «ТУРКИШ»нинг бош раиси қилиб сайланди. С. Шиде эса бош секретари бўлиб қолди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!



САҲИФА № 4.

Тошкент область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида чорвачиликни кескин ривожлантиришга бағишланган махсус пленумида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг ҳозирги суръатлари, аҳоли эҳтиёжлари даражасидан ортда қолаётганлиги алоҳида таъкидланди. Чорвадорлар олдига шу йилнинг ўзидаёқ ўтган йилга нисбатан гўшт етиштиришни 25 процент, сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 27 процент кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Бу масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этишга область матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳам катта улуш қўшишлари лозим. Ҳозир мавжуд кооператив ташкилотларининг ҳаммасида бўрдоқичилик хўжаликлари барпо этилган. Уларда минглаб қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва парранда боқилмоқда. Матлуботчи бўрдоқибоқарлар моллар бош сонини янада кўпайтириш ва жадал боқиб семиртириш ҳисобига гўштга топшириладиган моллар тирик вазнини ошириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Бўрдоқичилик хўжаликлари кенгайтирилиб, янги комплекслар қурилиб ишга туширилмоқда, уларда насл олиш йўлга қўйилаётир.

Бугунги саҳифа кооператив ташкилотлари чорвадорлари амалга ошираётган ишлар, айрим муаммоларга бағишланади.

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллигининг охирига бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки баробар кўпайтириш районимиз чорвадорлари олдида турган энг муҳим вазифадир. Район партия комитети ва район ижроия комитети қисқа муддат ичида бундай улкан юксалиш йўлини босиб ўтиш имконини берувчи конкрет тадбирлар комплексини ишлаб чиққан.

Барча чорвадорлар қатори районимиз матлуботчилари ҳам кооператив йўл билан молларни бўрдоқига боқишни кенгайтириш ва гўшт етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда 1-«Пискент» совхози территориясидаги дашт ерлардан ажратилган 94 гектар майдонда бўрдоқичилик базаси қуриш ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Бу йил 400 бош қорамолга мўлжалланган молхона ва 24 минг парранда боқиладиган товуқхоналар қуриб ишга туширилиши лозим. Бундан ташқари бўрдоқичилик базаси учун идора, омборхона, қушхона, тўрар жой бинолари қуриш, водопровод тармоқларини ўтказиш, озуқа экинлари учун янги ерлар ўзлаштириб ишлов бериш ва қатор кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам планлаштирилган. Ана шу тадбирлар учун ажратилган 300 минг сўм маблағнинг 120 минг сўми ўзлаштирилиб, қурилиш монтаж ишларига сарфланди.

Асосий ишлар район қурилиш бўлими коллективининг кучи билан бажарилмоқда. Молхона ва парранда хоналар қурилишида ўт. Маматқулов, Р. Абдураҳмонов, Т. Қамбаров, Т. Жўраев, У. Отамуродовлар синчиклаб ишлаган тажрибали бинокорлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Район йўл қурилиши бошқармаси коллективи ҳам ҳашар йўли билан молхоналарга олиб борадиган 3 километр узунликдаги йўлни сифатли текислаб берди.

Қурувчиларнинг кучи билан ҳозирнинг ўзидаёқ катта ишлар бажарилмоқда. Бўрдоқичилик базаси электр қуввати билан таъминланди ва телефон алоқаси ўрнатилди. 100 бошга мўлжалланган молхона фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 50 бош қорамол ва 200 бошга яқин қўй бўрдоқига боқилмоқда. 200 тонна ем сиғадиган махсус бино ҳам тўла қуриб битказилди. 200 бошга мўлжалланган навбатдаги молхона қурилиши эса жадал суръатларда олиб борилаётир. У ҳам май ойида ишга туширилади. Шунингдек, ҳар бири 12 минг бош товуққа мўлжалланган паррандахоналар қурилиши бошлаб юборилган.

БИР ЙИЛДА 300 ТОННА ГЎШТ

Шулардан бири июнь ойида қуриб битказилади. Мол ва паррандаларни сув билан таъминлаш учун скважиналар қазиб қўйилди. Бугун эрта сув чиқарилади.

Ҳозирги кунгача 7 гектар янги ер ўзлаштирилди. Сифатли ишлов берилган бу майдонга беда ва маккажўхори экиб қўйилган.

Қурилиш ишларини олиб боришда район партия комитети ва район ижроия комитети томонидан тузилган махсус штаб аъзолари актив фаолият кўрсатмоқдалар.

«Узгоскомсельхозтехника» район бирлашмаси, 82-автобаза, 104-районлараро механизациялашган кўчма колонна, ғишт заводи ва район электро станцияси коллективлари район матлуботчиларига иқтисодий ёрдам бермоқдалар. Олмалиқ шаҳар оталиқ ташкилотлари ҳам қурилиш материаллари, темирбетон буюмлари ва металл конструкциялари етказиб бермоқда.

Қурилишда иштирок этаётган барча бунёдкорлар учун қулай маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Ошхона ва чойхоналар улар хизматида.

Матлубот жамияти ходимлари бу йил кооператив йўл билан 300 тонна гўшт, шу жумладан 265 тонна мол гўшти, 35 тонна парранда гўшти етиштириш мажбуриятини олишган. Молларни жадал семиртириш ҳисобига 97 тонна қўшимча гўшт етиштирилади.

Келгуси йилдан бошлаб молларни ўзимизда урчитиб кўпайтиришни йўлга қўйишни планлаштирмоқдамиз. Ана шунда бўрдоқичилик базаларини ёш бузоқлар ва қўзилар билан узлуксиз таъминлаш имконияти яратилади. Натижада гўштнинг таннархи арзонлашади. Бунинг учун алоҳида сигирхона ва бузоқхоналар қурилади. Шунингдек, матлубот жамияти тармоқларида чўчқачиликни ҳам ривожлантиришни мўлжаллаб қўйдик.

С. САҲИБОЕВ,
Пискент район матлубот жамиятининг раиси.

БЎРДОҚИЧИ КООПЕРАТОРЛАР

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарори, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумларда қилган доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комтети XI Пленуми ҳамда область партия комитетининг II Пленуми қарорлари матлубот жамияти ходимларининг жанговар иш программасига айлантирилди.

БУ ҳужжатларда матлубот жамиятлари тармоқларида чорва молларн бош сонини ва гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ҳозирги вақтда партия ва совет ташкилотлари олдида турган биринчи даражали вазифа эканлиги уқтирилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатмаларини муваффақиятли бажаришга қатъий аҳд қилган область матлубот жамияти ходимлари 1979 йилда пландаги 6000 ўрнига 8000 тонна гўшт, шу жумладан, 100 тонна чўчқа гўшти 800 тонна парранда ва 7100 тонна мол, от, қўй гўшти етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу вазифанинг қандай бажарилиши кўп жиҳатдан район партия, совет органлари, алоқадор ташкилотларнинг амалий ёрдамларига ҳам боғлиқдир. Чунки, район матлубот жамиятларига қарашли мавжуд бўрдоқичилик, паррандачилик ва чўчқачилик базаларн ишини яхшилаш, уларни такомиллаштириш учун конкрет тадбирларни амалга ошириш зарур. Масалан, бўрдоқихоналарни механизациялаш, озуқа экинлари экиш учун ер билан таъминлаш, экинларни ишлаш учун керакли миқдорда қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериш, зарур бўлган жойларда бўрдоқиларни суғориш учун артезиан қудуқлари қазлаш лозим.

Область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан белгиланган бу тадбирларни амалга ошириш учун бир қатор районларда қизғин ишлар бошланиб кетди. Шу йилнинг ўзида районларда 24 та паррандахона, ҳар бирн 200 бош молга мўлжалланган 9 та молхона ва иккубатория қуриш кўзда тутилмоқда.

Матлубот жамиятлари товуқ гўшти етиштириш учун паррандачилик фабрикаларидан жўжа олиб боқар эдилар, уларда иккубатория йўқ эди. Яқинда Урта Чирчиқ районида область матлубот жамиятига қарашли учта «У-55» маркали иккубатория ўрнатилди.

Айрим район партия ва совет ташкилотларн матлубот жамиятларига бўрдоқичилик ва паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда бевосита амалий ёрдам бера бошладилар. Бу жиҳатдан Пискент, Коммунистик ва Чиноз районларида қилинаётган ишлар ибратлидир. Масалан, Пискент районида ҳар бирн 200 бошга мўлжалланган 2 та молхона ва 2 та янги паррандахона, Коммунистик районида 400 бош мол сиғадиган бино қурилаятти. Чиноз районида битта молхона қурилиши бошлаб юборилган.

Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка районларида колхоз ва бошқа ташкилотлардан олинган биноларни паррандачилик учун мослаштириб ремонт қилиш ишлари тугалланай, деб қолди.

Маълумки, бўрдоқичилик ва паррандачилик базаларн давлатдан фақат 40 процент озуқа оладилар. Қолган 60 процент озуқа-хашакни ўзларида етиштиришлари керак. Бу борада Бўка район партия комитети ва район ижроия комитети мақтовга лойиқ иш қилдилар. 1983 йилгача матлубот жамияти бўрдоқичилик базаларига 350 гектар ер ажратилиши керак эди. Район ташкилотлари бу ишни шу йилнинг ўзидаёқ амалга оширдилар.

Матлубот жамиятлари йўли билан чорва маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорни бажариш йўлида нлк қадам қўйилган бўлса-да, лекин ҳали бу соҳада қилинаётган ишлар талаб даражасида деб бўлмайди. 1979 йилнинг биринчи кварталн якуни кўп жойларда олинган социалистик мажбуриятни тўла-тўкис бажарилмаганлигини кўрсатди.

Мана, ҳозир иккинчи кварталнинг дастлабки ойи тугаб боравятти. Шунга қарамай, Оққўрғон, Ғалаба, Оҳангарон районларида бўрдоқига боқилаётган қорамолларн сони, Бекобод, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Янгийўл, Чиноз районларида эса майда моллар сони камайиб кетган. Бу зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ҳавф остида қолдиради.

Матлубот жамиятларининг бўрдоқичилик базаларини ер билан таъминлаш, унга ишлов бериш, озуқа экинлари экиш ва ўриб-йиғиб олиш, ем-хашак ташиш учун зарур миқдорда трактор, прицеп, косилка, сеялка ва бошқа техника восталари ажратиш ишлари жуда сокин давом этмоқда. Масалан, область бўйича 1600 гектар ўрнига эндигина 636 гектар ер ажратилган, холос. Бу соҳада «Узкомсельхозтехника» область бирлашмаси ҳам суст-кашликка йўл қўймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми гўлат етиштиришни кўпайтиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйиб, унн муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамма резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш зарурлигини, бу иш бутун партиянинг, ҳар бир ташкилот ва муассасанинг, ҳамма қишлоқ механизаторларининг шарафли бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шу пленумда қилган докладида матлубот жамиятларининг гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифаларига тўхталиб бундай деди: «Партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалигида кооператив асосда ташкил қилинган корхоналар ва бирлашмалар ишини, шунингдек, қардош социалистик мамлакатлар тажрибасини синчиклаб ўрганиб чиққанидан кейин бу катта социал ҳодисага умумпартиявий, умумдавлат аҳамияти бериб, унга планли тус бағишлади».

Дарҳақиқат, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда матлуботчиларнинг ҳам роли катта бўлади. Матлуботчиларимиз бу соҳадаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб боришлари, барча резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишлари лозим. Янги ташкил этилган ва ташкил этилаётган гўшт комплекслари, базаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг масъулиятини ошириш зарур. Бу соҳада партия ва совет ташкилотларининг амалий ёрдами даркор.

Ўйлаймизки, матлуботчиларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан бажариб, коммунистик мўл-кўлчиликни авжуда келтиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

М. ҚОДИРОВ,
область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

«МОЛ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШНИНГ ҲАММА РЕЗЕРВЛАРИ ИЧИДА СУЙИЛАДИГАН МОЛЛАР ВАЗНИНИ ОШИРИШ ВА СУҚИМГА БОҚИШ МУДДАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИ АЛОҲИДА КЎРСАТМОҚ КЕРАК... ҲАММА ЖОЙДА МОЛЛАРНИ БОҚИШНИНГ ИНТЕНСИВ МЕТОДИГА УТИШНИ МУМКИН ҚАДАР ТЕЗРОҚ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҚОРАМОЛЛАРНИ 400—450 КИЛОГРАММГА ЕТГАНДАН СУНГГИНА ГЎШТГА ТОПШИРИШ ЗАРУР. БУ ВАЗИФАНИ КЎПГИНА РАЙОНЛАР, БУТУН-БУТУН ОБЛАСТЛАР, УЛКАЛАР ВА РЕСПУБЛИКАЛАР УШБУ БЕШ ЙИЛЛИКДАЁҚ БАЖАРА ОЛАДИЛАР ДЕБ УЙЛАЙМАН».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

УСТОЗГА ТЕНГЛАШГАН ШОГИРД

ВОҲИДАНИНГ фермага ишга келганига эндигина 3 йил бўлаяпти. Шунга қарамай, унинг номи илғор сут соғувчилар қатори тилга олинаётир.

Айниқса, ўтган йили Воҳида Маҳмудова касбдош дугоналари билан ўзаро мусобақалашиб ишлаб голиблар сафидан ўрин олди. Шунинг учун у Ватанимиз пойтахти Москва шаҳри, бундан ташқари Чехословакия Совет Социалистик Республикаси ва Венгрия Халқ Республикасига туристик йўлланма билан саёҳатга бориш шарафига мулсар бўлди.

Яқинда Прага, Будапешт, Дунайларш шаҳарлари ва Карловн-Варий дам олиш зоналарини томоша қилиб катта таассуротлар билан қайтиб келган ёш коммунист бу йил ўз қарамогидаги 18 бош сигирни янада намунали парваришлаб, ўтган йилги кўрсаткичларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

— Шогирдим Воҳиданинг ютуқлари мени ҳам беҳад қувонтираётир, — дейди тажрибали сут соғувчи Анора Усмонова. — Мустақил иш бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмай, илғорлар сафидан ўрин олиб, ишончимни оқлади.

Қ. АСРОҚУЛОВ,
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози.

БОШЛАНДИ—Ю, ТАШЛАНДИ

КОММУНИСТИК районида бўрдоқичилик базаси ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Шу қисқа давр ичида аҳолини, умумий овқатланиш тармоқларини гўшт билан таъминлашда бир мунча ишлар қилинди. Масалан, 1978 йилда бўрдоқичилик базасида 809 бош қорамол парвариш қилинди. Бу ерда тажрибали молбоқарларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли молларни жадал семиртириш ҳисобига 14 тонна қўшимча гўшт олинди. Аҳолига 120 тонна гўшт сотилди, ошхоналарга 230 тонна гўшт етказиб берилди.

Аммо, бу рақамлар бирмунча салмоқли бўлиб кўрингани билан халқнинг гўштга нисбатан жадал ўсиб бораётган эҳтиёжи даражасидан анча паст. Ҳали бу соҳада кўп ишлар қилиниши, сўқимга боқиладиган моллар сонини кўпайтириш, уларни жадал боқиб семиртириш, фақат мол гўшти эмас, паррандачиликни ҳам кенг йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун янги молхоналар, паррандахоналар қуриш, мавжудларини кенгайтириш, бўрдоқичилик базаси учун мустақам озуқа базасн яратиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш зарур.

Район бўрдоқибоқарлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар олишган. Йил охиригача 600 тонна гўшт етиштириш, шу жумладан, 50 тонна парранда гўшти, молларни семиртириш ҳисобига 177 тонна қўшимча гўшт тайёрланиши керак. Бўрдоқибоқарларнинг бу ташаббусларини минглаб қўллаб-қувватлаган район партия комитети ва район ижроия комитети бўрдоқичилик базасининг ишини янада такомиллаштиришга, янги замонавий типда бино қуришга амалий ёрдам бера бошлади. «Узбекистон» колхозидан ажратилган ерда 400 бош мол боқиладиган молхона қурши ишлари бошланиб кетди.

Бу ерга бориш учун махсус йўллар қурилди, базанинг атрофи темир-бетон плиталар билан ўралди. Кенг майдонга шағал тўкиб, текисланди. Бироқ, аввалига ҳаммани қувонтирган янги бўрдоқичилик базасида айрим ташкилотларнинг эътирози билан иш ўхтаб қолди. Уни давом эттириш ёки эттирмаслик масаласи ҳамон ҳал бўлмаётир.

Ҳўш, молхона қурилиши нима сабабдан тўхтатиб қўйилди? Аввало, шуни айтиш керакки, бўрдоқичилик базаси бунёд этиш учун аниқ режа асосида жой танланмаган. Мана энди молхона «Водоканал»нинг махсус қурилмасига яқин жойда бўлганлиги учун бу ташкилот қурилишни давом эттиришга рухсат бермай қўйди. Чунки, кўпминг сонли аҳолини таъминлайдиган ичимлик сув ифлосланиши мумкин.

Пухта ўйланмай қўл урилган иш оқибатда минглаб сўм давлат маблағининг беҳуда исроф бўлишига олиб келди. Бундан ташқари район матлубот жамиятининг ишни мумкин қадар тезроқ жонлантириб юборишларига тўсқинлик қилаётган бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас.

Матлуботчиларнинг бу йилги социалистик мажбуриятларида 50 тонна парранда гўшти етиштириш белгилаб қўйилган. Товуқхоналар қуриш учун эса ҳанузгача жой ажратилгани йўқ.

— Бу соҳадаги талабларимизга ҳозиргача ижобий жавоб ололмаётирмиз,— дейди Коммунистик район матлубот жамиятининг раиси Клара Комилова.—Маълумки, бўрдоқичилик базаларининг ишини ривожлантириш фақат матлуботчиларнингина эмас, балки умумхалқ иши бўлиб қолди. Шунинг учун мутасадди ташкилотлар бизнинг талабларимизга тезроқ ижобий жавоб берадилар, деган умиддамиз. Акс ҳолда 1979 йил учун белгиланган топшириқ ва социалистик мажбуриятлар бажарилмай қолади.

Б. ҲАЛИЛОВ.

АРЗОН МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРАМИЗ

БУНДАН бир йил илгари шаҳар матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик базаси ташкил этилди. Бунинг учун махсус жой танланди. Кадрлар сараланди.

Озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳашар йўли билан Аччиқкўл массивида 300 тонна пичан тайёрланди. Кўплаб миқдорда ем жамғардик. Сўнгра аҳолидан ёш буқаларни сотиб олиб, боқувга қўйдик. Шермуҳаммад Эргашев, Нурмуҳаммад Рустамов сингари молбоқарларимизнинг астойдил меҳнат қилишлари натижасида иш яхши бўлаяпти. Улар моллари белгиланган рацион асосида боқмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳар бир қорамол кунига мўлжалдаги 600 ўрнига 700—800 грамм семирмоқда.

Биз уч ой давомида аҳолидан 500 қорамол харид қилиб олдик ва шундан 300 тасини бўрдоқига боқиб, семиртириб сўйдик, маҳсулотни умумий овқатланиш корхоналарига, савдога етказиб бердик.

Биз ички имкониятлардан фойдаланиб, изланишни давом эттирамиз. Мавжуд ем-хашак ва озуқалардан тежабтергаб фойдаланишга катта аҳамият берамиз. Ана шунинг ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлаша боради. Бир килограмм мол гўштининг баҳоси 4 сўмга тўғри келмоқда.

Фермамизнинг истиқболи порлоқ. Мол боқиладиган яйловлар, экин экиладиган ерлар кенгаймоқда. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари ҳам давом этаётир. Биз 300 бошга мўлжалланган енгил типдаги молхона қуришни мўлжаллаб турибмиз. Қўйчилик, паррандачиликни йўлга қўйиш ҳисобига ҳам гўшт етиштириш кўпаяди.

Гўштга сўйилган корамолларнинг ўртача тирик вазни 420—450 килограммданга тўғри келмоқда. Лекин бу чегара эмас. Агар базамиздаги ишларни янада яхшилаб, молларни жадал семиртиришнинг илғор усулларн қўлланилса, натижа бундан ҳам яхши бўлиши турган гап. Ана шу асосда бир йилда бемалол 400 тонна гўшт етиштиришимиз мумкин.

А. АБДУЛЛАХОНОВ,
Чиноз шаҳар матлубот жамияти бўрдоқичилик базасининг бухгалтери.

ЯЙЛОВ МАЛИКАСИ

Ўлкамизда баҳор. Ўқларга чўзилиб кетган адрлар кўм-кўк майсалар билан қопланган. Сурув-сурув қўй-қўзиларнинг маъраши тоғу-тошлар узра акс-садо беради. Ҳар бир чўпон, ҳар бир чорва ходими қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Бу йилги қиш чорвадорлар учун анча оғир келди. Баъзан кечалари ҳарорат 20—22 градусгача пасайиб кетди. Лекин, моҳир, тадбиркор чўпонлар бундай пайтларда ўз тажрибаларини ишга солиб, қўйларни дуркун сақлаб қолдилар. Етарли миқдорда тайёрланган ем-хашак запаси қўйларнинг бақувват, соғлом бўлишига замин эди.

Оҳангарон районидаги К. Е. Ворошилов номли совхозда 12240 бош қўй бор. Совхоз коллективи мавжуд совлиқларнинг ҳар ҳар юз бошидан 102 тадан қўзи, ҳар қўйдан 1,4 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилган. Чўпонлар бу юксак мажбуриятни бажаришга астойдил бел боғлаганлар. Зайнаб Абдуллаева ҳам ана шу чўпонлар қатори ҳалол меҳнат қилмоқда. Унинг бу касбни эгаллаб иш бошлаганига ўн йил бўлди.

— Аввало, турмуш ўртоғим Соатали Абдуллаев чўпонлик қилиб юрган кезларида унга кўмаклашардим, дейди у. — Баҳор келса тоққа кетардик, қиш келса яна қишлоққа қайтардик. Турмуш ўртоғим бирон иш билан совхоз марказига кетганда отар менга қолар эди. Кейинчалик, биз, иккаламиз келишиб отардаги 350 бош совлиққа яна 100 бош совлиқ қўшиб биргаликда меҳнат қила бошладик. Шу-шу мен ҳам мустақил чўпон бўлиб олдим. Олтита фарзандимиз бор.


Зайнаб Абдуллаева отарида бу йил 412 бош совлиқ бор. Қўйлар семиз ва соғлом. Тажрибали чўпон отарида қўзилатиш мавсуми кўнгилдагидек ўтмоқда.

Йил бошида, — дейди Зайнаб опа, — имкониятларимни чамалаб чиқиб ҳар юз бош совлиқдан 104 бошдан қўзи, ҳар битта қўйдан 1,5 килограммдан жун қирқиб олишга сўз берган дим. Мажбуриятимни ошиғи билан бажариб, юзим ёруғ бўлди. Мен ҳар 100 бош совлиқдан 107 тадан қўзи, ҳар битта қўйдан 1,8 килограммдан жун қирқиб топширдим.

«Меҳнатинг-зийнатинг» дейилади халқ мақолида. Ҳа, ҳалол меҳнат қилган кишини эл-юрт доимо эъзозлайди. Зайнаб Абдуллаева ҳам одамлар орасида хурмат топган оқила аёл, оналардан.

Башорат ИМОМОВА,
ишчи-муҳбирлар университетининг тингловчиси.








КАЛИНИН район матлубот жамиятига қарашли «Чўпонота» бўрдоқичилик базаси чорвадорлари молларни жадал семиртириш ҳисобига қўшимча 209 тонна гўшт етиштириш учун курашмоқдалар. Суратларда: (чапдан иккинчи) база директори Тургун Азимов бўрдоқибоқарлар А. Аҳмедов, О. Толипов, Ш. Азимов ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда. Бўрдоқига қўйилган моллар намунали боқилмоқда. Ҳар куни марказий мол сўйиш цехида 3—4 тонна гўшт тайёрланиб, умумий овқатланиш тармоқларига, савдога жўнатилмоқда.

А. Абалян фотолари.

ҲАМИД ҒУЛОМ 60 ЁШДА

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ЖЎШҚИН КУЙЧИСИ



ҲАМОН эсимда: «Машъал»-даги Ботирали ва Эъзозхоннинг романтик жозибасига, Лаъли фожиасининг бешафқат реалистик тасвирига бир бор мафтун бўлган эдим. Бунга йигирма йилдан ошибди, лекин асардан кучли таъсирланганимни ҳамон эслайман.

Шак-шубҳасиз, энг яхши, бақувват асарлари билан Ҳамид Ғулом минг-минглаб китобхонларни мафтун этган ва уларнинг таҳсинига сазовор бўлган эъзозли, севимли санъаткорларимиздан бири бўлиб қолди. У ўз устозлари ва тенгдош қаламкаш дўстлари каби серқирра ижод соҳиби. Атоқли адиб, забардаст шоир, таниқли драматург, отаҳин публицист, моҳир таржимон, жемоат арбоби.

Ҳамид Ғулом совет адабиётининг улкан санъаткорлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом туғилиб вояга етган Тошкент шаҳрида зиёли оилада — музика муаллими Убайдулла Ғулом оиласида 1919 йили баҳорида дунёга келди. Икки яшарлигидаёқ отадан етим қолди. Асосан онаси Қория Темурова — «Қизил тонг» фабрикасининг ишчиси тарбиясида бўлган ёш Ҳамидда болалигидан адабиётга ихлоси кучайиб борди. Унинг улғайишида шеърият мухлиси — бобосининг хизматлари ҳам катта бўлган, албатта.

Форобий номли мактабда ўқиди. Мактабни битиргач, саводсизликни битириш курсида ўқитувчилик қилди, 14 ёшида Ўрта Осиё индустриал институтининг ишчи факультетида, кейинчалик эса шу олий даргоҳнинг тоғ инженерлари тайёрловчи факультетида таҳсил олади. Ҳамид Ғулом Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди ва уни 1941 йили битириб чиқди. 1956 йили Москвада СССР Ёзувчилар Союзи қошидаги икки йиллик Олий адабиёт курсини тамомлади.

1938—41 йилларда ёш Ҳамид адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади, «Қизил Тожикистон» газетасида журналист, Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррирлик қилди. Худди шу йиллари ёш шоир ва таржимон сифатида СССР Ёзувчилар Союзига аъзо бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон радио комитетида бош диктор ва редактор бўлиб ишлади. Сўнгра «Совет Ўзбекистони» газетасининг бўлим бошлиғи ва масъул секретари, 1956—1958 йилларда «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири, 1958—1965 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг секретари, 1965—1971 йиллари «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири бўлди. 1971 йилдан то ҳозирга қадар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори бўлиб ишлаб келаяпти.

Адабиётга шайдо бўлган ёш Ҳамиднинг ижоди жуда эрта бошланди. 1934 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида унинг илк шеъри «Бизнинг лагерь» босилиб чиқди. Илк тўплами «Қасосим бор» (1942) дея аталди. 1943 йилда «Хайкал», 1945 йилда «Салют» номли китоблари чоп этилди.

Урушдан кейинги йилларда фаол ижод қилди, натижада «Қўшиқларимиз» (1949), «Ватан куйлари» (1949), «Янги боғ» (1951), «Даламизга келинг» (1954) номли асарлари босилиб чиқди.

«Фарғона ҳикояси» (1959), «Тошболта ошиқ» (1962), «Ўғил уйлантириш» (1964), «Ажаб савдолар» (1969), «Дил кўзгуси» каби қатор драматик асарлари Ҳамид Ғулом ижодининг яна бир қиррасини намойиш қилди.

Айни вақтда «Мирзачўл», «Совет Ўзбекистони» номли публицистик фильмлар сценарийсининг муаллифи. Жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари бўлган В. Шекспир, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Т. Шевченко, Лопе де Вега, А. М. Горький, В. Маяковский ҳамда совет адабиётининг Сурков, Левада каби атоқли намояндалари асарларини ўзбек тилига моҳирлик билан таржима қилди.

«Куба ҳақида ҳикоялар», «Япония ҳақида ҳикоялар», «Европа бўйлаб саёҳат», «Жазоирда тонг» номли тўпламлари Ҳамид Ғуломни кенг миқёсдаги публицист сифатида танитди ва шуҳрат келтирди.

Икки йирик китобдан иборат «Машъал» (1958—1962), «Сенга интиламан» (1964), «Тошкентликлар» (1967), «Бинафша атри» (1975), «Мангулик» (1977) каби романларисиз Ҳамид Ғулом ижодини тўла тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик романчиларидан бири бўлиб қолди. Бу романларни, албатта, кенг таҳлил этиш имкони йўқ. Шу боисдан мен бу ўринда унинг баъзиларига жуда қисқа тарзда бўлса ҳам тўхталиб ўтаман. Адибга кенг миқёсда шуҳрат келтирган романларидан бири «Машъал» бўлди.

Маълумки, ўзбек романчилигида ҳозирги ҳаётимизнинг бошланиш даври — 20 йиллардаги мураккаб воқеалар, қизғин синфий курашлар 50 йилларга қадар етарли даражада кенг планда акс этмаган эди. «Машъал» асари бу даврни роман жанрида кенг планда акс эттиришда тарихий ва замонавий тафаккурнинг янада кенгайганлиги ва чуқурлашганини яна бир бор исбот қилди. Бу ҳол даврнинг мураккаб ва драматик воқеаларини замонавийлик позициясидан янада чуқур акс эттиришда яққол сезилади.

Октябрь инқилоби Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан бири — Хумсонга ҳам қудратли тўлқин олиб киради. Асрлар мобайнида шаклланиб, бир маромга тушиб қолган қишлоқ халқи ҳаётида инқилобий тўнтариш содир бўлади. Ҳаёт оқимининг эски усули тартибларининг «устунлари» бундай қудратли тўлқинга қарши кескин кураш йўлига ўтадилар. Хумсон қишлоғидаги бу шиддатли кураш Октябрь революциясининг дастлабки йилларида бутун Ўзбекистонда бўлган кескин синфий курашларни тўлароқ тасаввур этишга имкон беради. Булар асосан икки қутб вакиллари образлари орқали реал тус олади.

«Машъал»да ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг ижодий услуби кўпроқ романтикага мойиллиги сезилди. «Машъал» (1958, 1962) босилиб чиқиши билан танқидчиларимизнинг эътиборини жалб қилди ва асарда автор эришган ютуқлар алоҳида таъкидланди.

«Машъал» романида янги ҳаётни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун кураш масаласи ўзбек хотин-қизларининг асрий тутқунликдан янги турмуш йўлига чиқиши ва янги, фаол инсон сифатида шаклланишини кенг эпик планда кўрсатиш проблемаси билан узвий боғланиб кетган. Бу ўринда Эъзозхон, Эътибор, Қумри, Тозагул каби образларни эслашнинг ўзи кифоя.

Қисқаси «Машъал» китобхонлар оммасининг энг севимли асарларидан бири бўлиб қолди. Ҳамид Ғулом ўзининг «Машъал» диалогиясидан сўнг яна ўша мураккаб даврга мурожаат қилди ва «Мангулик» романини, буюк инқилобнинг илк йиллари ҳақида учинчи йирик асарини яратди.

Олтмиш йиллик тарихий тажриба халқимиз ҳаёти ва қисматидаги буюк бурилиш йилларига санъаткорларимизнинг мурожаат этиши ва уларни бутун мураккаблиги билан кенг ва тўла акс эттиришга интилиши йилдан-йилга тобора кучайиб бораётганлигини тасдиқ этади.

Ҳамид Ғулом ўз қаҳрамонини ҳаётнинг ниҳоятда оғир ва мураккаб жойларида, душманлар уясида кўрсатади. Масъуд — фаол характердаги қаҳрамон. У кескин ва шиддатли курашнинг марказида бўлади.

Санъаткор романда Мақсудов, Исоқ оқсоқол, Пронин, Алижон, Сатторов, Дилдор, Салима образларини яратишда ютуқларга эришган. Мақсудов ҳам, Дилдор ҳам адибнинг принципиал ютуқларини кўрсатадиган жонли ва ёркин образлар.

Масъуд — Дилдор — Салиманинг севги драмалари, изтироблари тасвири ҳам романтик кўтаринкиликдан иборат. Масъудга бўлган оташин муҳаббати туфайли Салима оғир ва мураккаб бир шароитда шаҳардан қишлоққа боради, барча қийинчиликларга чидашга ҳаракат қилади. Масъуд билан ҳамиша бирга бўлиш истагида ёнади.

Романда Шерхўжа — Тамара — Замира ораларидаги интим муносабатлар ҳам жонли, ҳаётий, маҳорат билан тасвирланган. Салбий шахслар орасида Шерхўжа ёркин характер, тип даражасига кўтарилган. У Абдулла, Обиджон, Ҳолматнинг қотили. Синглиси Дилдорни пичоқлайди. Дардининг оғирлигидан Дилдор ҳам тамом бўлади, ўлади. Ниҳоят, Масъуднинг қотили. У ёвузликнинг тимсоли. Даҳшатли ва ашаддий душман, индивидуал, кучли шахс. Замира унинг никоҳига ўтган. У терговда Шўро ҳокимиятининг душмани эканлигини баралла айтади. Қўлга тушган пайтда Масъудни, Прониннн, ҳатто ўз отасини отиб ўлдирмаганидан ғазабланади, пушаймон қилади. Тамара ҳам аламзада душман. Учига чиққан маккор. Қадди-қомати келишган, гўзал. У Шерхўжа билан Туркияга ота-онасининг ёнига етиб олиш учун бутун бисотидаги мол-мулкини, олтинларини ҳам, ўзини ҳам ҳадя қилишга тайёр. Ҳадя қилиб ҳам бўлди, қўлга ҳам олинди.

Шундай қилиб, атоқли адиб Ҳамид Ғулом ўзининг янги романида қатор образлар тасвирини етилтириб борган ва янги-янги образлар кашф қилган. Қисқаси Ҳамид Ғулом йирик романчи сифатида иттифоқ миқёсида ҳам кенг ҳурмат топди. Севимли санъаткорнинг асарлари хорижий мамлакатларда ҳам машҳур. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати атоқли адибимизни камолот ёши — олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан қизғин қутлаймиз ва замонамизга, кенг китобхонлар оммаси таҳсинига сазовор кўплаб асарлар яратишига ишонамиз.

Анқобой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ҲАМИД ҒУЛОМ

БАҲОР ТАРОНАСИ

Лойқаланиб, кўпириб сувлар шариллар,
Кўприг богда қушларнинг турфа зотини.
Яна ширинликка ўч асаларилар
Гулзорларда симирар ғунча тотини.

Оқулоқлар ўтзорда тизза баробар,
Ялпизлар гуркирайди ариқ бўйида.
Лолаю, бўтакўзу, гулхайри, сафсар
Товланади гулчига ёқиш куйида.

Аллақачон майналар югуриб қолди,
Тақлядчи шоирлардай сернағма, серавж.
Тоғ нордон неъматининг, мана энг олди—
Хуржуну қоплар тўла пушти ранг равоч.

Қозонларда кўк шўрва қайнадими, бас,
Қирдан изма-из қимиз етиб келади.
Бу баҳор!

Дилни ўртаб сўнгги йўқ ҳавас,
Инсонга катта йўлда йўлдош бўлади.
Оқ йўл,
Далага чиққан юртдошим! деккон!
Трактория бирон дам тўхтамай юрсин.
Боғида файласуфдай серфикр боғбон,
Ниҳолга ўргатабер яшамоқ дарсин!

Менинг зебо сингилчам, шаҳло кўзлигим,
Синчков-синчков тикилиб поёнсиз бўзга,
Мунча ҳам жиддий бўпсан, анор юзлигим,
Ахир ер киради-ку сен айтган сўзга!

Меҳнатнинг ўғил бола авлоди, салом!
Водийни уйғотган ҳам, ахир ўзингиз.
Шудгору эгатларни кўриб, номма-ном,
Айтиб бера оламан исму изингиз!

Ҳар нарса тахт. Ҳар нарса мукаммал,
тайин.
Шийпон ҳам, шақир-шуқур қайнаган бзк
ҳам.

Қозонларда эту мой милтиллар майин,
Ишга бир шўнғиб, кейин арзир олсак
дам.

Серговур пахтазорни соғиндим жуда,
Ёшликда маъшуқамни соғинган қадар.
Шўх-сан ҳаёт маст қилган сулув Мавжуда,
Ялланг бошлаб бергин, куйлайлик,
дилбар!

Ерга чигит тушдими, бас—бу энди ёз!
Тўғайлар чувиллайди.
Толзорлар салқин,

Эй, шоир, чеҳрангни оч:
Гул фаслини ёз,
Мисраларинг порласин қуёшдай ёркин.

Айниқса, узун қишнинг сўнггида баҳор—
Қаттиқ интизорликдан сўнг висол каби.
Кўзга суртгудай тансиқ яшнаган диёр —
Севгиси сиртга тепган ойжамол каби.

Қувончни нима билан ўлчамоқ мумкин!
Одам бахти олдида гавҳар беқадр.
Одамдай кенг, қушларнинг тилидай
эркин
Муҳаббат қаршисида олтин сийқадир.

Орзуларнинг кўзгуси табиат экан,
Қаранг унинг рангига, тароватига, —
Саҳий қўллар яратиб — шу қадар улкан,
Чин ўлчов элнинг ерга садоқатига.

Ҳумор-ҳумор нашъага тўлди юраклар,
Гул баҳор жамолига соғ-омон етдик.
Лиммо-лим каналлар,
адл тераклар,
Ундан нарн чаманлар чорлайди,
кетдик!

ВАЛЕНТИНА ТОЛКУНОВА КУЙЛАЙДИ



Республикамиз санъат мухлислари Москва эстрадасининг талантли солистқаси, Бутуниттифоқ қўшиқ конкурсларининг лауреати Валентина Толкунованн ажойиб қўшиқчи сифатида танишади. Яқинда Валентина Толкунова пойтахтимизда меҳмон бўлиб, ўзининг дилрабо қўшиқлари билан мухлислар дилини хушнуд этди.

А. Рисқиев фотоси.

ҲАВАСКОР КАРИКАТУРАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Шу йил 26 апрель соат 16.00 да «Муштум» журналида ҳаваскор карикатурачиларнинг навбатдаги семинар машғулоти бўлади. Қизиққан барча ўртоқлар қатнашишлари мумкин.

Адрес: Ленин проспекти 41, «Муштум» журнали редакцияси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни Тбилиси шаҳрида мамлакат чемпионлари билан ўтказди. Бу ўйинга қадар ҳар икки команда ғолиблар ўтлаб, пешқадамлар сафидан ўрин олиб туришган эди. Грузин футболчилари ўз майдонларида ҳамиша кучли ўйнайдилар. Бу гал ҳам ўйиннинг кўтаринки руҳда бошлаган Тбилиси динамочилари йирик 4:0 ҳисобида ғолиб келишди. Биринчи бўлимда москвалик судья Лапатов тошкентликларни икки марта 11 метрлик жарима тўпи билан жазолади. Владимир Гуцаев бу қулай имкониятларни бой бермади. Учрашувнинг иккинчи бўлимида пахтакорчилар вазиятни тенглаштиришга ҳаракат қилишди. Улар 5—6 кишилашиб ҳужумга ўтдилар. Лекин Фёдоров ҳам, Чуркин, Исоқов, Ан ҳам қулай имкониятлардан фойдалана олишмади. Ўз дарбозаларидан учинчи тўпни ўтказиб юборган тошкентликлар орадан бир минут ўтар-ўтмас яна хатога йўл қўйишди. Минашвили тўртинчи тўпни киритди.

Утган куни Киевда маҳаллий динамочилар Москвалик клубдошларини қабул қилдилар. Биринчи бўлимда пойтахт футболчилари 1:0 ҳисобида ютиб туришларига қарамай ўйиннн 1:2 ҳисобида бой беришди Петрушин 30-минутда ҳисобни очган бўлса, 61-минутда Блохин ва 82-минутда Хапсалислар жавоб тўпи киритишди.

«Шахтёр» Куйбишевда «Крилья Советов» командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадамлик қилмоқда. Учала тўп ўйинннг иккинчи бўлимида киритилди. Бунинг иккитасини Соколовский киритди. Москвада «Спартак» билан «Черноморец» ўртасидаги ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Тошкентлик футболчилар кейинги учрашувни ўз майдонларида 27 апрелда ЦСКА командаси билан ўтказадилар.

Командаларнинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи билан танишинг:

Командалар	У	Т	О
«Шахтёр»	5	12—2	9
«Динамо» [Тб]	5	8—1	9
«Динамо» [М]	5	5—2	7
«Пахтакор»	5	7—3	7
ЦСКА	5	9—5	6
«Спартак»	5	6—5	6
«Арарат»	5	4—3	6
«Зенит»	5	5—6	5
«Локомотив»	5	8—6	5
СКА	5	4—6	5
«Динамо» [К]	5	3—3	5
«Черноморец»	5	3—4	4
«Торпедо»	5	3—4	4
«Нефтчи»	5	3—4	4
«Динамо» [Мн]	5	2—4	3
«Кр. Советов»	5	4—8	2
«Заря»	5	2—5	2
«Қайрат»	5	2—10	2

ЧЕМПИОНЛИК ТОЖИГА

БИР ҚАДАМ

Совет хоккейчилари бугун Канада командаси билан бўладиган учрашувда ғалабага эришишса, 27 апрелда Чехословакия командаси билан бўладиган ўйин натижасидан қатъий назар жаҳон ва Европа чемпионн унвонига муяссар бўладилар. Швеция командаси билан бўлган учрашувда 11:3 ҳисобида ғолиб келган Совет спортчилари 8 очко билан яго. на пешқадамлик қилишмоқда. Чехословакия хоккейчилари Канада командаси билан учрашиб, 10:6 ҳисобида ғолиб келдилар.

Бугунгача медалларга даъвогарлик қилаётган 4 команданинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича.

Командалар	У	Ш	О
СССР	4	36—9	8
ЧССР	4	18—21	5
Швеция	4	14—26	3
Канада	4	12—24	0

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Ферғонада Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида волейбол бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Тошкент шаҳри командаси биринчи ўринни эгаллади. Ферғоналиклар иккинчи, самарқандликлар учинчи бўлишди.

Спартакиада программасига киритилган мусобақаларнинг 11 турига якун ясалди. Умумкоманда ҳисобида Тошкент области вакиллари пешқадамлик қилишмоқда. Тошкент шаҳар командаси эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тинув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи контролёр-кассирларини тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати—1 йил.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10 синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «Кичик сотувчи», «Сотувчи», «Сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўмдан стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг 1, 2 группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИЛҒОР МАГАЗИНЛАРДА, ГУМ ВА «ГАСТРОНОМ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИГА ҚАРАШЛИ ЙИРИК МАГАЗИНЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.



Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталигидаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг дирекциясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент-173, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон: 78-44-30 (4, 9, 19-трамвайларнинг, «Чўпон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари).

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик ҳом ашёларини қабул қилиш бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
5-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 10-синфни тамомлаган, Тошкент шаҳрида яшовчи йигит-қизлар қабул қилиниб, улар эркаклар ва болалар костюмларини тикувчи, аёллар ва болалар пальтосини тикувчи, аёллар ва болаларнинг енгил кўйлакларини тикувчи, чарм-галантерея буюмларини бичувчи, чарм-галантерея буюмларини тикувчи касбларга ўргатилади

Ўқиш муддати — 1 йил.

Стипендия — ойига 30 сум.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш шарт: паспорт, ўрта маълумоти ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 286-формадаги медицина справкаси, директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см.), мактабдан характеристика.

Билим юртида «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши биринчи маҳсулот» конкурслари ўтказилади. «Ёш ишчи куни»да ўқувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан учрашадилар.

Билим юртида техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Билим юртини аъло баҳолар билан битиргаплар педагогика советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга киришга тавсия этиладилар.

Билим юрти адреси: Тошкент-100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-79-09.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БУЁҚЧИЛАР, БУЁҚЧИ-АЛЬФРЕЙШЧИКЛАР, СУВОҚЧИЛАР ҚУРУВЧИ ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ЭЛЕКТР. ПАЙВАНДЧИЛАР, ҒИШТ ТЕРУВЧИ-МОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОР-ПАРКЕТЧИЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка, мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри—81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 33, 50, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника», 84-автобус, 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
29 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ДА
«ГЎЗАЛ» ЁШЛАР АНСАМБЛИ ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Баҳром МАВЛОНОВ.

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Ўрбугул СУЮРБОЕВА, Ҳасан КАРИМОВ, Комилжон НБРОҲИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Гулнора ОДИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА.

Юмор ва интермедияда: Абдуфаттоҳ САИДОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.

Ансамблнинг раҳбари — Султон АНВАРОВ.

Программани — Светлана ТАҒИРОВА олиб боради.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Ваҳт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Ҳужжатли фильм. 16.25 — А. Мицкевич. сонетлар. 17.00 — Халқаро болалар йилига. 17.45 — Португалия апрель революциясининг беш йиллигига. 18.10 — Мультфильмлар 18.40 — Дунё воқеалари. 18.35 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 —Ваҳт. 22.05 — Етмиш беш панча қўшиқ. 23.25 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Рапирада қиличбозлик. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм, 2-серия. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Шоирлар болаларга. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Осиё ва Африка халқлари музика маданиятининг ҳозирги аҳволи, актуал масалалари ва келажак вазифаларини ўрганиш бўйича музикашунослар Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари — студиямиз меҳмони. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик экрани. 21.30 — Ваҳт. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм, 3-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 20.00 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Телепрограмма. 21.00 — Янгиликлар. 21.30 — Мўмай пуллар. Фильм спектакль 2-қисм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IV да Корсар.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да Келинлар қўзғолони, 26/IV да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да Тошкентнинг нозанин маликаси, 26/IV да Ўжарлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —Янги программа, катта цирк томошалари.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан буён КПСС аъзоси

Шариф АЗИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41, | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—01934. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2360.